

# Наврўзини муборак, азиз ватандошлар!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2001 йил 20 март, сешанба

№22 (11.307)

Эркин нарҳда сотилади

## ҚАДРУ МУРУВВАТ, МЕҲРУ МУҲАББАТ ФАСЛИ

**Самандарни биласизми? У ўтга тушганда куймайди, аксинча, яшариб, яшнаб, кучга тўлиб чиқади. Бугун бу афсонавий қушни бежиз эсламадик. Тарихи уч минг йилдан ҳам нарига бориб тақаладиган Наврўз байрамини фақат Самандарга менгзамоқ мумкин.**

Бу йил истиқлолимизнинг ўн иккинчи йиллини тантана қиламиз. Айтишимиз мумкин, Наврўз ҳам истиқлолимиз билан бирга қайта туғилди, у билан баробар улғайди. Янги-янги узларга эга бўлди. Халқимиз уни қадриятлар, саховатлар байрами сифатида ҳар йили орзиқиб кутади-ган бўлди.

Ҳаётимизда худди чўлпон юлдузи каби чарақлаб турган Наврўзнинг юзини неча марта булут босди. Хатто ўтган асрнинг 50-60-йилларида мустабилликнинг юрдақлари дошқозонлардаги сумалакларни ағдариб ташлаганлари, хатто кўк чучувар, кук сомсаларни ерга улқирганларини ўз кўзлари билан кўрганлар бор. Деҳқон далага қўш солгандаги қувонч қанчалар фарахли! Ахир, қўш билан бирга ерга барака уруғи, элнинг ризқ-рўзи сочилиди. Мана шундай кўтулғу ниятларга ошно маросим ҳам унут бўлаёзди. «Кўш оши», «Наврўз оши», сайиллар барҳам топди. Лекин Наврўз йўқ бўлмади. У худди қафасдаги қушдек ҳурлик лаҳзаларини кутди, унга етишди. Яна халқимизнинг дилини эзгуликларга тўлдирди.

Истиқлолнинг биринчи йилдаги тантаналар ҳеч эсимиздан чикмайди. Мустиқиллик майдонида одам тирбанд. Юртбошимиз майдонга кириб келганларида, ватандошларимизни қутлуғ айём билан табриклаганларида, Наврўз қадр-қимматимиз, аҳиллигимиз, инноклигимиз, асрий одат-удумларимизнинг кўзгуси сифатида ҳаётимизга яна қайтиб келганини, у хамиша янги аънаналар, истиқлол наҳидларига тўлиб бораверишини айтганларида, бутун Ўзбекистон шодликка тўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Буюк бобоқалонимиз Алишер Навоий номи билан аталадиган боғда ҳар йил Наврўз тантаналари бўлиб ўтади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, у халқлар ўртасида дўстлик, қардошлиқ илларини яна ҳам мустаҳкамламоқда. Наврўз кунини Халқлар дўстлигини саройи атрофида хилма-хил кийимлардаги одамларнинг шодон чеҳраларини кўришимиз мумкин. Қозоғу кир-

ғиз, ўзбегу тожик, украину латиш, қорақалпоғу туркман — барининг қувончи оламни тутғудек бўлади. Эсимизда, бундан бир неча йил аввал Наврўз байрамида бутун мамлакатимизнинг хўнарамандлари ўз маҳоратларини намоеён этиб, каттақон кўргазма ташкил этишган эди. Юртбошимиз устазодаларнинг дўконларига бирма-бир кириб, кўрган эдилар. Зарбоф чопонлару, гулчин нақшлар, дўппилару нақш билан безатилган хонтахталар — қайси бирини айтаман, деб ақл шошадилар. Тарихнинг шохидлик беришича, соҳибқирон Амир Темуру давридагина шундай бўлган экан. Истиқлол бу ажойиб аънанамга яна ҳаёт бахш этди.

Кўёш ярқ этиб чиқди-ю олам товланиб кетди. Саҳарданок ажиб бир илиқлик юракларни эркалай бошлади. Дув гуллаган ўрикларни каттақон бодроққа қиёс қилгудек. Боларилар уларнинг гулкосаларидаги ёмғир томчиларини ичиб ташналигини қондираётганга ўхшайди. Наврўз ёмғирининг ажиб бир хосияти бор. Ямғирининг шунчалар зеб берадими, кечагина паришонхал турган дов-дарахтлар ёмғирдан кейин худди кўзгу олдиди ораста қизга ўхшаб қолади. Мажнунтолларнинг малоҳатига таъриф йўқ, Еларда оҳиста тебраниб, худди:

— Бошқача бўлиши мумкин эмас, ахир бугун Наврўз-ку, — дейётгандек бўлади. Тугманчадек бинафшалар, бой-чечаклар қизларнинг сочларида юзи билан ранг талашади. Қизларнинг шахло кўзларига шундай дамда бир лаҳза қарасангиз, Наврўз нималигини биласиз-қўясиз. Бу кўзлар оламга Наврўз севинчларини улашаётгандек. Бир-бирларига нима қиямиз, деб савол беришаверади. Жавондаги ипақ, шох кўйлақлар бирма-бир чиқаверади. Охири дейишади:

— Атлас қиямиз, ахир бугун Наврўз-ку!  
Осон қушларга тўлиб кетди. Худди ажойиб хонандалар басмабасига қўшиқнинг авжидан олаётганга ўхшаб чўғур-чўғурга зўр берадилар. Бир лаҳзада ўзингизни унутиб, яшилликка шўнгиб кетгандек бўласиз. Худди пар каби рунгизиз энгил.

— Бундан бошқача бўлиши

мумкин эмас, бугун Наврўз-ку!  
Наврўзим, неча асрлардан бери гуллар улашиб, қушларни сайратиб, дилларни яйратиб келасан! Она ёрни уйғотиб, деҳқонни энтиктириб, дала бошига етаклайсан.

Наврўзим, сени тинчликбоши десам ҳам, табиат нақшоши десам ҳам арзийди. Дошқозонларда қайнаётган сумалағу ҳалим, тандирдан янгигина узилган бўрсилдоқ нонлар, минг бир тусда товланаётган олам сўзимнинг исботидир.

Наврўзим, сен муҳаббат фаслисан. Бу муҳаббат қандай муҳаббат эди? Бу муҳаббат истиқлолнинг ўн йиллигини тантана қиладиган она юртимизга бўлган оташин муҳаббатдир. Юракларда қайнаб-тошган туйғуларнинг номи биллиб бўладими? Балки ушбу муҳаббат яшилликка бўлган интиқилдир, балки олам билан вобасталиқдир.

Одамлар бугун гина-қудратни унутадилар, бир-бирларини бағирларига босиб табриқлайдилар: — Омон бўлайлик, умримиз узоқ бўлсин. — Яхши тилақларга эрк берайлик бугун Наврўз-ку!  
Яшамокдан мақсад бу — яхшилик қилишдир. Чунки, Наврўзда қалбига тўлган эзгулик келгуси Наврўзгача етади.

Бу йилги Наврўзини ҳар галгидан ҳам оразиқиб кўтдик. Сабаби XXI асрнинг ilk йили юртимиз ҳаётида алоҳида саҳифа бўлиб қолади. Наврўз ўн йил ичида босиб ўтилган йиллар ва йўлларнинг, халқимиз зришган еруғ кунларининг намойишига айланади. Ватанимизнинг ҳар бир гўшасида бўлгани каби вилоятимизда ҳам бу шодона ҳар бир хонандонга кириб боради. Ангрэн қончилири, Бекобод пўлат қуювчилари, Чиноз пахтакорларию Бўжа галлакорлари, Пскент хўнарамандларию Ўртачирчиқнинг тадбиркорлари, қурувчидан тортиб муаллимгача бу кўтулғу айёмга муносиб совға билан келдилар. Ҳофизу созандаларнинг илҳоми сарбаланд. Мунис қўшиқлару дилбар рақсларнинг таърифига сўз йўқ. Файзли дастурхон барчамизни ога-инчиликка, тотувликка чорлаб турибди.

Одамлар, бир-бирингизга гул беринг, дил беринг, қўл беринг! Чунки, Наврўзимиз юрагимиздаги яхшиликдан бунёд бўлаверади. Келинг, оламга жар солайлик: бир-бирингизга кўнгул муҳаббатларини изхор қилинг, яхшилар! Муҳаббат айёми, қадрумуруват фасли Наврўзи айём бугун!

Темур УБАЙДУЛЛО.



## ЎРИКЛАР ГУЛИДА БАҲОР САЛОМИ

Соғинчдан сочилган садодан сўранг, Тонлардан тўқилган зиёдан сўранг, Етказгучи эгам Худодан сўранг, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Ерга тушган уруғ нурга талпинар, Тулпорлар қор кечиб қирга талпинар, Будут ёмғир бўлиб ерга талпинар, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Ниш урган майсалар нажот устунини, Кун келар гуллашар бағри бутунини, Қарғалар қаҳрининг қолмиш кукунини, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Саболар беланчак осди шохларга, Ҳилол ҳасад қилар ерда моҳларга, Булбул гулни чорлар хуш гуноҳларга, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Дарди борга дармон бойчечак номи, Ўриклар гулида баҳор саломи, Қўшиққа айланар кўнгул каломи, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Наврўз келверар биз бўлмасак ҳам, Бу бизнинг баҳордир, биз етган кўклам, Маҳмуд, шеърда шукринг эшитсин, Эгам, Наврўзни соғинган наврўзга етсин.

Маҳмуд ТОИРОВ.

## НАВОЙИЙ БОҒИДА БИР ШУКУҲ КЕЗАР

Пойтахтимиз Тошкентнинг сўлим гўшаси Алишер Навоий номидаги боғда Наврўз тантаналари ажиб бир шукҳ билан ўтади. Бу йил ҳам бу тадбирга катта таъбиргарлик қўриди. Салкам юз кишидан ортиқ мутахассислар байрамни кўтаринки руҳда ўтиши учун тунни тонгга уладилар. Биз Наврўз тантаналарининг бош режиссёри, Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов билан учрашиб, бир неча саволлар билан мурижаат қилдик.

— Бу йилги Наврўз аввалгиларидан жуда фарқ қилади, — деб ҳикоя қилди Рустам ака. — Томошалар сценарийсини Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзиб берди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Баҳрулла Лутфуллаев ижро этиладиган мусикаларни меъёрига етказди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юлдуз Исмаилова ва Шокир Аҳмедовлар

сусан, «Томоша», «Ором», «Булбулча» сингари ширинтойлар гуруҳларига катта ўрин ажратдик. Ҳаммамизга маълум, буюк бобоқалон шоиримиз Алишер Навоийнинг 560 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан Навоий вилоятининг чиқишлари алоҳида мазмун касб этди. Қадимий ёзма адабиётнинг нодир намунаси «Авесто»нинг 2700 йиллигига бағишланган театрлаштирилган сахналар ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмасе керак.

Наврўз мустақиллигимиз билан бирга қайта туғилган. Томошаларнинг туб моҳиятида мана шунга алоҳида ургу бердик. Янгилишни, яшариш, оқибат байрами ҳисобланган

Наврўз сахналарида юртимизнинг атоқли санъаткорлари, миллий эстрада усталари ўзларининг санъатларини намойиш қиладилар. Ҳар бир вилоятдан келган вакиллар ўзига хос урф-одатлар, расм-русумларни адо этадилар, халқ қўшиқларини, рақсларини ватандошларимиз мириқиб томоша қиладилар. Икки соатга мўлжалланган ушбу томошаларда ўн минг киши иштирок этиши кўзда тутилган.

Пойтахтимизда бошланган йилбоши байрамлари бутун юртимизга, жумладан, вилоятимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманларига, қишлоқларига худди шўх қўшиқдек таралиб кетади.

## Шу йил 17 март куни Тошкент вилояти ҳокимлигида фавқулодда эпидемияга қарши кураш вилоят комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг ўринбосари Ф. Баратов йиғилиш қатнашчиларини Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда чорва молларида учрайдиган хавфли юкумли касаллик — оксим тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан белгиланган чора-тадбирлар билан таништирди. Нотик қўшни давлатлардан республикамиз худудига чорва ҳайвонларининг юкумли касалликлари кириб келишининг олдини олиш учун барча чораларни кўриш, масъул ходимлар ва мутахассисларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Республика Давлат ветеринария бошқармасининг ўта хавфли касалликларни аниқлаш маркази директори А. Қуронбоев вилоят худудиди, аввало, бундай зоналардаги чорва ҳайвонларини эмлаш учун керакли микдорда вакциналар, шунингдек, зарарсизлангич моддаларни етказиб бериш кўзда тутилганлигини кўрсатиб ўтди.

Шундан сўнг вилоят давлат ветеринария бош шифокори М.Орифоновнинг маърузаси тингланди. Маърузачи айрим мамлакатларда, хусусан, Россия, Қозоғистон Республикаси ва баъзи қўшни мамлакатларда бу касаллик кўп ўлаётганлиги ҳақида гапирди, унинг Тошкент вилояти худудига тарқалиб кетилишига олдини олиш борасида давлат ветеринария хизмати амалга ошираётган чора-тадбирларга алоҳида тўхтади. Маълумки, вилояти-

## Вилоят ҳокимлигида

## АНИҚ ЧОРАЛАР КЎРАЙЛИК

вилоят божхона бошқармасининг бошлиғи Ж.Хошимов, Бекобод шаҳар ҳокими Ж.Насриддиновлар ҳам сўзга чиқишди. Нотиклар бу фер минтақаларида олиб бориладиган профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш, чегарадаги ўтиш жойлари, божхона масканларининг ниҳоятда очириши йиғилишда таъкидланди. Шу муносабат билан қўшни республикалар билан чегарадош жойларда 13та санитария нazorat постлари ташкил этилди. Улар узлуксиз фаолият кўрсата бошладилар. Йиғилишда, шунингдек, вилоят санитария-эпидемиология маркази бош шифокорининг ўринбосари Б.Рисқиев, вилоят божхона бошқармасининг бошлиғи Ж.Хошимов, Бекобод шаҳар ҳокими Ж.Насриддиновлар ҳам сўзга чиқишди. Нотиклар бу фер минтақаларида олиб бориладиган профилактика ишларининг самарадорлигини ошириш, чегарадаги ўтиш жойлари, божхона масканларининг ниҳоятда очириши йиғилишда таъкидланди. Шу муносабат билан қўшни республикалар билан чегарадош жойларда 13та санитария нazorat постлари ташкил этилди. Улар узлуксиз фаолият кўрсата бошладилар. Йиғилишда, шунингдек, вилоят санитария-эпидемиология маркази бош шифокорининг ўринбосари Б.Рисқиев,

тартибда сўйиш устидан нazoratни қўчайтириш, молларни яйволарга олиб чиқиш чоғида эҳтиёт чораларини кўриш, вужудга келган алоҳида аҳолига тушунтириш, мол бозорларида нazoratни қўчайтириш масалаларига қаратилди. Вилоят фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссияси йиғилишида икки кун ичида барча шаҳар ва туманлардаги комиссияларнинг йиғилишини ўтказиб, бу масала юзасидан белгиланган чора-тадбирлар белгиланган вазифаси юкланди. Йиғилиш муҳокама қилинган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди. **Ўз муҳбиримиз.**

## ПАРКЕНТДА ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ

Ўтган шанба куни бир қатор яқин ва узоқ хориж мамлакатларнинг элчилари ва элчихона ходимлари, ЮНЕСКО, Осие Тараққиёт банки ва бошқа мамлакатларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари вакиллари дипломатлар боғини барпо этиш учун Паркентга таширф буюрдилар. Ушбу тадбир халқаро «Экосан» жамғармаси томонидан Наврўз муносабати билан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлғи доирасида уюштирилди.

Нуфузли меҳмонларнинг таширфи вилоятда баҳор байрамига атаб умумхалқ хашари уюштирилаётган кунга тўғри келди. Ўн минглаб аҳоли эрта тонгданок кўча ва эрибонларга чиқиб, дарахт ва гул кўчатлари экишга, йўлларни, дам олиш масканлари ва спорт майдонларини ободонлаштиришга киришдилар. — «Яхшидан боғ қолади» деган ҳикматли нақли бор доно халқимизнинг, — деди вилоят

ҳокими Умнат Мирзақулов хорижий меҳмонларни кутлар экан. — Олис ва яқин қўшни давлатлар элчиларининг ўзларидан кўркам боғни эсдалик қилиб қолдиришга жазм этганлари ҳам рамзий маънога эгадир.



СУРАТДА: кўчат утқазиб пайти. Ольга ЛЫСЕНКО олган сурат.





# САОДАТ БАЙРАМИ БУ ҚУТЛУГ АЙЁМ

## ЙИЛНИНГ ДЕБОЧА ҚУРИЛИШЛАРИ

Янгиланиш, уйғониш, меҳр-муруват, саҳоват байрами деб таърифлашади Наврўзни. Шундай сўзлар қаторига яна бир пурҳикмат сўзни ҳам қўшмасак унинг тавсифини тўла ўрнига қўйган бўлмаймиз. Бу яратувчилик сўзидир. Ҳа, баҳор байрамини шундай бунёдкорлик айёми дейиш ҳам мумкин. Чунки, ҳалқимизнинг асрлар давом этаётган аънаси шундай. Ҳар вақт бу қутлуғ шодиёналик кенг кўламадаги қурилиш ишларини амалга ошириш, ҳалқ қорига, фаровонлигига хизмат қилувчи, оғирини энгли, узогини яқин қилувчи иншоотларни барпо этиш билан қутиб олинган ва ҳозир ҳам шундай бўлмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритганининг ўн йиллиги нишонланадиган, унга ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўрилатган жорий йилда Наврўзга яратувчилик соҳасида муносиб тортиқлар қилиш ҳар қачонгидан ҳам авж олди. Деярли барча шаҳар-кишлоқларда, майда аҳоли манзилгоҳларида ҳам ҳалққа ў ёки бу тарзда асқотадиган объектлар фойдаланишга топширилди. Уларнинг сони шу қадар кўпки...

Биргина уй-жойлар қурилишини мисол сифатида келтириш мумкин. **Байрам арафасида 2 минг 600 квадрат метр сахли уйлар қуриб битказилди.** Ушлаб фуқаролар оилалари ўз жамғармалари ҳисобига барпо этган хусусий турар-жойларни инobatга оласа, бу рақам янада салмоқли бўлади.

Аҳолини, айниқса, қишлоқларда яшовчиларни табиий газ ва сифатли ичимлик суви билан таъминлашни яхшилашга қаратиб амалга оширилган иш самараси ҳам дуруст бўлди. **35 километрдан ортиқ «зангори олов» ва 15 километрга яқин узунликдаги об-ҳаёт тармоқлари қурилди.** Бундан юзлаб оилалар баҳраманд бўлдилар.

Янги йўللар ва йўлаклар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, сув оқадиган ариқларни қуриш билан

боғлиқ бўлган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилди. Шаҳар ва туманларда янги-янги маданий маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз эшикларини миқозларга биринчи бор очдилар. Унга яқин маҳалла гузарлари, ўтиздан ортиқ савдо шохбчалари, қатор чойхона ва ошхоналар қад кўтарди. Автобекларни миллий мейморчилик аънасалари асосида барпо этиш ва қайта қуришга қаратилган ишлар кўламли бўлди. Шунини айтиш қиёфки, вилоятда қирқтага яқин янги автобеклар пайдо бўлди. Автомобилларга ёқилги қўйиш ва уларга техник хизмат кўрсатишнинг ўндан ортиқ тармоқлари қурилди. Қатор ёшлар маркази таъмирланди. Теннис корти ҳам спортнинг бу тури ихломандлари ихтиёрига топширилди.

Байрам арафасида истеъмол бозори эҳтиёжлари учун қатор маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги қувватларнинг фойдаланишга топширилиши айни муддао бўлди.

Янги йўлнинг ўзида бир йўла тўртта кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги қувватлар барпо этилди. У. Юсупов номидаги акциядорлик жамиятида соатига уч тонна болалар таомлари

ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди. «Био-кимё» заводидagi «Майсана» қўшма корхонасида йилга ўн минг деколитр ичимликлар ишлаб чиқариш цехи ўз маҳсулотини бозорга чиқаришга тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, шаҳарда полиэтилен, полипропилен идишлар, йилга 20 минг тонна целлюлоза ва 12 минг тонна қоғоз ишлаб чиқарувчи фабрика ҳам тахт қилиб қўйилди.

Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам келтириш мумкин. Масалан, **Олмаликдаги металлургия комбинати «Респератор»** ишлаб чиқариш, ҳар ойда 50 тонна марганецли олтин-гургурт тайёрловчи цехлар қуриб битказилди. **Бекобод шаҳрида эса** теннис ишқибозлари учун янги корт майдони, келин-кўвларнинг никоҳдан ўтишига хизмат қилувчи янги савоматли «Бахт уйи» ишга туширилди. **Чирчиқ шаҳридаги қурилиш ашёлари комбинати** хузурида доривор чой ва шифобахш кўклатларни қутида тайёрлаб чиқарувчи қувват бунёд этилди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Лекин, юқорида санаб ўтилган иншоотларнинг узйек вилоятимизда Наврўз шарафига катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилганини кўрсатиб турипти.

Бу жорий йилда амалга оширилиши мўлжалланган яратувчилик юзасидан белгиланган режаларнинг дебочасидир. Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллик тарихий санасини бундан ҳам салмоқли ютуқлар билан қутиб олиш учун бораётган ҳаракат бир дақиқа ҳам сўнмаяпти. Бугун баҳор байрамини зўр тантана билан нишонлаётган бунёдкорлар шунга аҳду паймон қилишган.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.



## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Республикаимизда «Ташаббус» кўрик-танловлари аънава бўлиб қолди. Улар тадбиркорликда янги йўналишлар очган, экспортга йўналтирилган ва хориждан келтирилган маҳсулотлар ҳамда хизматлар ўринини босувчи ишлаб чиқаришларни йўлга қўйган тадбиркорлар, фермер хўжалиқлари раҳбарлари, хўнарамандларни рағбатлантириш, тадбиркорларнинг касб маҳорати, билимлари даражасини оширишга хизмат қилмоқда.



Тошкент вилояти ҳокими-намоиш қилди. Вилоят ҳокими Умнат Мирзақулов кўрик-танловни кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан қутлар экан ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 13 мингга яқин тадбиркор фаолият кўрсатаётганини, йилдан-йилга хўнарамандлар, фермерлар ва тадбиркорларимизнинг сафи кенгайиб бораётганини ташкил этилган кўргазмадан ақлоқ кўриб турганини алоҳида таъкидлади.

Шундан кейин тадбиркорлар ўз назарий билимларини намоиш этишди, кўрик-танлов ғолиблари аниқланди. Паркент туманидаги қурилган меваларни қайта ишлашга ихтисослашган Сайдакарим Юсупов раҳбарлигидаги «БЕР-АД» хусусий фирмаси «Энг яхши тадбиркор» деб топилди. Ушбу йўналиш бўйича иккинчи ўринни Оҳангарон шаҳрининг «Микрос» ишлаб чиқариш фирмаси эгаллади. Учинчи ўринга Қибрай туманида юқори кўрсаткичларга эга бўлган «Зумрад-Л» хусусий фирмаси сазовор бўлди.

Вилоятимизда «Энг яхши фермер» номини Паркент туманидаги Мавлонхўжа Хожиёв раҳбарлигидаги «Бахт» фермер хўжалиги қўлга киритди. Уртачирчиқ туманида самарали меҳнат қилаётган «Турон» фермер хўжалиги иккинчи, Чиноз туманидаги «Юлдуз» хусусий чорвачилик хўжалиги эса учинчи ўрин соҳиблари бўлишди.

Бўстонлиқ туманида ўзининг миллий кийим-кечак, дўппилари билан ном чиқарган Қудсийахон Эшонқўжаева вилоятимизда «Энг яхши хўнараманд» деб топилди. Чирчиқ шаҳрида заргар Владимир Пелих иккинчи, пскентлик ўн етти ёшли хўнараманд Шерзод Зокиров учинчи ўринларни эгаллашди. Танлов ғолиблари қимматбахо совғалар билан тақдирландилар. Биринчи ўрин эгаллаган ғолиблар республика «Ташаббус-2001» кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Йилдан-йилга кўришга хонандалар Топшўлат Матқаримов ҳамда Дилноза Исмиёминовалар ўз қўшиқлари билан хушнуд эдилар.

**Камолитдин АСҚАРОВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.  
**СУРАТЛАРДА:** «Ташаббус-2001» кўрик-танловининг вилоят босқичидан лавҳалар. **Даврон АҲМАД** олган суратлар.



## ПАРКЕНТДА ДИПЛОМАТЛАР БОҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар эккан ҳар туп дарахт ҳадемай амал олиб, кўкка бўй чўзгач, паркентлик ёшлар унинг соясидан баҳраманд бўлиб, камол топадилар.

«Экосан» жамғармаси президенти Юсуф Шодиметов, Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Куччиев, Ўзбекистондаги дипломатия корпусининг дуайени Набил Эл-Лаххан дипломатлар боғининг барпо этилиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирдилар. Шу кун «Экосан» жамғармаси ва Тошкентдаги Ислон университети номидан болалар ўқув ҳамда тиббиёт муассасаларига турли хил совғалар ва санитария воситалари тақдим этилди. Сўнгра дипломатлар турли хил дарахт кўчатларини экиб, уларнинг ҳар

бирига эсдалик лавҳалари битилган тахтачаларни осиб қўйдилар. Тошкентдан келган меҳмонлар «Кўёш» объектида ўтказилган бизнес-учрашувда ҳам иштирок этдилар. Бу ерда экология ва саломатлик муаммолари, Паркент туманининг иқтисодий ва экологик салоҳиятидан хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан амалий алоқалар ўрнатишда фойдаланиш масалалари хусусида сўз юритилди.

Дипломатия корпуси вакиллари паркентликлар кўрсатган аънаваной ўзбекна меҳмондўстликдан олам-олам таассурот олиб, хуш кайфият билан қайтидилар.

Дипломатлар билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов иштирок этди.

## БУ ЙИЛГИ Наврўзни нишонлашга барча шаҳар ва қишлоқларимиз бир тан, бир дил бўлиб киришди. Негаки, бугун замондошларимиз бу қадим диёрда тинчлик, миллатлараро баҳамжиҳатлик шароитида яшаб, ўз тақдирларини чинакамга ўзлари яратишяпти.

Бу Наврўзга бутун вилоятимиз ўз совғалари билан келди. Ҳамюртларимиз қалб садоларига бир қулоқ солинг-а:

— **Ўз кредитимиз хисобига мева-сабзавотни қайта ишловчи тўртта хориж лимиясини ишга туширдик.** Ҳар бири соатига 3 тонна экспорт бўлиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаради, — дейишди Фазалкент консервачилари.

— **Ишлаб чиқараётган маҳсулотларни 40 фоизга кўпайтирдик,** ногиронларга, муҳтож хонадонларга доим ёрдам кўрсатиб келаямиз, — дейди Бекобод туманидаги «Оқ чашма» хусусий кичик корхонасининг раҳбари Кимёгон Жаҳиёмова.

— **Наврўз арафасида йилга 60 минг тонна кўмир қазиб олиш қувватига эга янги, тўртинчи бўлимини ишга туширдик!** — Ангрндаги 9-шахта директори Руфат Рустамовнинг қувончи чексиз... Эл-юртга бундай хуш-

хабарлар етказишга ошиқчи хушқол замондошларимиз оз эмас бўлган. Бу хабарлар ҳур замин, овоз диёр, эркин ҳамюртларимиз янгича эпкинларининг натижалари.

Наврўз байрами кунлари Бекобод ва Олмаликда, Чиноз ва Пскентда, Зафар ва Эшонгузарда — вилоятимизнинг барча шаҳарлари ва туман марказларида деҳқонлар ва чорвадорлар, қончилар ва пўлат эритувчилар, шахтёрлар ва тошларга жило берувчилар, қурувчилар ва нурчилар бош майдонларга, кенг-кенг хибобларга мана шундай хушхабарлар билан чиқадилар. Наврўз умум-халқ байрами бошланади. «Кимёгар» ўйингоҳида

Янгийўл шаҳар майдонида кимёгарлар, кандолатчилар, ёр-мой ишлаб чиқарувчилар, хўнарамандлар марказий майдонни тўлдиришди. «Металлург» ўйингоҳлари Олмалик ва Бекободнинг минг-минглаб аҳолисини ўз бағриларига олади. Чирчиқ Истироҳат боғида дош қозонлар осилиб, юртга ош тортилади. Оҳангаронликлар сайли «Чашма» оромгоҳида ўтади...

Хуллас, мустақилликнинг ўнинчи йилидаги Наврўз овоз юртининг қадди-бастига монанд бир байрам бўлади. Халқ қўшиқчилари, атоқли санъаткорлар, рақс гурuhlари бу сайларга жўшқин ва сурурили бир руҳ бағишлайди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари, қишлоқ ва овуллариди миллий спорт ўйинлари ўтади. Қурашчилар, таэквандочилар майдонларга чиқашди. Футбол ўйинлари ўн минглаб ишқибозлар кўнглини шавқ-завққа тўлдирди.

Халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаларида Бўстонлиқ темирчилари, Чирчиқбўйи туманларининг хўнарамандлари, Ангрн уймакорлари, Янгийўл мисгарлари ясаган ноёб буюмлар — асл санъат асарлари, зардўз, каштачи, тўқувчи қиз-жувоғлар кўз нури тушган нафис буюмлар намоиш қилинади. Мулкдорлар, хусусий корхоналар ва фирмаларининг соҳиблари ўз маҳсулотларини бозорга чиқаришди. Байрам ярмаркаларида минг хил ноз-неъматларни харид қилиш мумкин бўлади.

**Нашъали, сурурли, гурурли, шавқ-завқли баҳор байрамимизгиз билан, азиз дўстлар!**

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

## АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ

Бугун мамлакатимизнинг барча гушаларида Наврўз нафиси кезмоқда. Жойларда эса байрам тантаналари аллақачон бошлаб юборилган.

Вилоятимизнинг халқ таълими бошқармаси ҳам ўрта мактабларда ушбу байрамни кўнгидагидек ўтказиш мақсадида бир қатор ҳам қизиқарли, ҳам тарбиявий тадбирлар бошлади.

— Вилоятимиздаги ҳар бир туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ўзларининг дастурий режаларини ишлаб чиққанлар, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев. — Бу йилги байрамни аввалгиларидан фарқи шундаки, истиқлолнинг ўн йиллик тўйига тайёргарлик кетаётган пайтда Наврўз тантаналарининг ўтказилиши амалга оширилган ишлари янада жонланган бўлди. Иккинчи жиҳати эса, эндиликда Наврўз байрамини шунчаки тантана қилиб ўтказишга эмас, балки уни қадриятларимиз, маънавий меросимизнинг энг олийларидан эканлигини ёшлар онгига, ўқувчиларнинг қалбига синдиришни кўзда тутилган бўлди да ҳамдир. Шу маънода ҳар бир туман ва шаҳарларимизда ўзига хос байрам тантаналари бошлаб юборилган. Мисол учун: Бекобод туманидаги 38-ўрта мактаб ўқувчилари орасида «Кўёш каби боқийсан, Наврўз» деб номланган ишлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўқувчилар Наврўз байрамининг тарихи, унинг истиқболи, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти ва юксак қадриятларимиздан эканлигини ўз ишларида ифода этдилар.

Вилоятнинг бошқа туман ва шаҳарларида ўқувчиларнинг шоир ва ёзувчилар билан учрашувларини ўтказиш ҳам режалаштирилган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад аввало ўқувчиларни шоир ва ёзувчилар билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳаёт йўллари, ижодий фаолиятларини муфассалроқ ўрганиш бўлса, иккинчидан ана шундай маънавият соатларини мунтазам ўтказиб боришдир. 2001 йилда мактаб ўқувчилари онгига табиати асраб-авайлаш, уни софлигича сақлаш, қадриятларни улуғлаш каби инсоний тушунчаларни қў қилиш учун махсус дарс соатлари ташкил этилаётганини ҳам бу йилги байрамга ўзгача тардуднинг бир қўрилишидир. Бу борада вилоятнинг Пскент туманидаги 9-, Зангиота туманидаги 33-, 15-ўрта мактабларда бўлиб ўтган маънавият кечалари тахсинга лойиқдир.

Мактабларда нафақат бундай учрашувлар, маънавият соатлари, кечалар балки, ободонлаштириш кунларини ўтказиш ҳам аънавага айланиб қолган. Бу йил Вазирлик Мамакамасининг Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкчаларни тўғирлаш олийлиги» ўтказиш тўғрисидаги қароридан келиб чиқиб, ҳар бир таълим муассасасида махсус шанбаликлар ўтказилиб, мевали манзарали дарахт кўчатлари экилади, ҳовли ва кўчалар гоҳланди.

Бу иш айни кунларда давом этмоқда. Булардан ташқари, мактабларда ўқувчи ёшлар ўртасида бўлиб ўтаётган «Алпомиш ўйинлари» ва бошқа қадимий спорт мусобақаларининг якуний беллашувлари ҳам гоҳида қизқариб бўлмоқда.

Ха, истиқлолимизнинг ўнинчи баҳор айёми таълим муассасаларида ана шундай кўтаринки руҳда сермазун ҳам режалаштирилган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад аввало ўқувчиларни шоир ва ёзувчилар билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳаёт йўллари, ижодий фаолиятларини муфассалроқ ўрганиш бўлса, иккинчидан ана шундай маънавият соатларини мунтазам ўтказиб боришдир. 2001 йилда мактаб ўқувчилари онгига табиати асраб-авайлаш, уни софлигича сақлаш, қадриятларни улуғлаш каби инсоний тушунчаларни қў қилиш учун махсус дарс соатлари ташкил этилаётганини ҳам бу йилги байрамга ўзгача тардуднинг бир қўрилишидир. Бу борада вилоятнинг Пскент туманидаги 9-, Зангиота туманидаги 33-, 15-ўрта мактабларда бўлиб ўтган маънавият кечалари тахсинга лойиқдир.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ.**



# ЙИЛБОШИ, ГИЗҚБОШИ, НАВРЎЗ, АССАЛОМ!



## Наврўз

Арафа

### ХИЗМАТ ДАМИЗ

Мустақил юртимизда Наврўзнинг қадри ҳам, нуфузи ҳам йил сайин юксалиб бормоқда. Бунинг билан Наврўз айёми асосан «Ассалом, Наврўзи олам» деб номланган катта байрам дастури ишлаб чиқилди. Бу дастурда кўзга кўринган бадиий хаваскорлик жамоалари, таниқли санъаткорлар, еш ижрочилар ва фольклор-этнографик дасталар қатнашадилар.

Муҳбиримиз байрам арафасида Наврўз тантаналарида эл-юрт хизматиға камарбаста бўлувчи мажмулар раҳбарлари билан телефонда боғланди.

**Зоҳиджон СОЛИХОВ, Вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи:**

«Мохларойим», Олмаликнинг «Шаҳноз» эстрада гуруҳлари, Юқоричирик туманининг «Муножот» фольклор-этнографик жамоалари ўзларининг дилрабо кўшиқлари ва рақслари билан байрам иштирокчиларини хушнуд этадилар.

Шунингдек, «Миллий гоё — бизнинг гоё» мавзусида кўзқор, рус, қирғиз, корей ва бошқа миллий маданият марказлари бадиий жамоаларининг театрлаштирилган чиқишлари катта спорт мусобақалари билан уйғунлаштирилган ҳолда ўтказилиши режалаштирилган.

**Оқилхон АХРОВ, вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:**

Байрам кунларида биз қандай ишларни амалга оширишни режалаштирганимиз? Аввало Наврўз арафасида Бекобод туманида қолбаса чеҳи ишга туширилди. Уртачирчиқ туманида эса, минимаркет, ошхона ва тикув-ишлаб чиқариш чеҳи мажмуи иш бошлади.

Шунингдек, вилоятимизнинг ҳамма шаҳар ва туманларидаги бўлимлари-мизда ҳам байрам тадбирлари ишлаб чиқилган. Жойларда шаҳар ва туман марказларида катта савдо ярмаркалари ишлаб туради.

Хайр-саховатли бўлиш инсонга ҳар доим ёқади. «Матлуботсавдо» жамияти бошқарувининг шаҳар ва туман бўлимлари кам таъминланган оилалар, боқувчисидан жудо бўлган қариялар ва ногиронларга меҳр-муруват ерданларини қурсатдилар. Жойларда хайрия тарикасида ҳалим, сумалак каби баҳорнинг тансиқ таомларини тарқатиши йўлга қўйилди.

Вилоят «Матлуботсавдо» компаниясининг Янгийўл, Юқоричирик, Чиноз, Зангиота, Тошкент, Пскент ва Бўка туманлари бўлимлари 21 март кунини Халқлар Дўстлиги майдонида катта савдо ярмаркасини ташкил этишди. Наврўз тантаналарини ҳар доимгидек шоду хуррамлик билан аҳил ва иноқлик билан ўтказамиз, деб ўйлайман.

**Рамзиддин ИКРОМОВ, «Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси вилоят бўлими бошлиғи:**

«Ўзбекнаво» концерт бирлашмаси вилоят бўлимининг санъаткорлари ҳам ўзларининг дилрабо куй ва кўшиқлари билан байрам кунларида халқимизнинг қувончлариға қувонч қўшадилар.

Кеча Қирғайдаги Фахрийларнинг соғлиғини тиклаш марказида «Дўстлик тароналари» ашула ва рақс халқ дастаси санъаткорлари ўзларининг катта байрам дастурини намойиш этдилар.

Бугун таниқли хонанда Анвар Ганиев бошчилигидаги «Вилоятсавдо» хиссадорлик компанияси раисининг ўринбосари:

Вилоятимиздаги бта шаҳар аҳолисиға хизмат қилаётган компаниянинг худимлари Наврўз кунлари 188та дўкон, ошхона ва чойхоналарда, 57 павилонларда ярмаркалар ташкил этиб, байрам дастурхони ёзадилар.

Жойлардаги кам таъминланган оилаларға, болалар уйлариға, интернатларға, боқувчисини йўқотган қарияларға меҳр-муруват ерданларини қурсатишиға алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун 1 миллион 281,5 минг сўм хайрия маблағи ажратилган. Шунингдек, тасарруфимиздаги шаҳарлар маҳаллаларида баҳор таомини сумалак қилиш учун 55 тонна буғдой ва 7,5 тонна ўсимлик ёғи тарқатилди.

21 март кунини 50га яқин жойларда сумалак тарқатиши, 27 жойда эса дошқозонларда ош дамлашни кўзда тутганимиз.

Хуллас, Наврўз байрамининг ўтказилишида биз ҳам ўзимизнинг муносиб улшумимизни қўшамиз.

**Нигора МУХАММАД АМИН.**

## «КОНМИТ»ГА ХАЙРЛИ КЕЛДИ

Муборак келсин энди янги туну кундузлар, Порлайверсин элимнинг манглайида юлдузлар, Ёруғ бўлсин озодлик нури йўғрилган юзлар, Хуш калом қутловлару табриклар узун-узун, Озод диёримизда Наврўзи олам бугун!



паллага кирди. Айниқса, Наврўз Йилбоши сифатида меҳнат байрами ҳам бўлгани боис уни нафақат деҳқон ва боғбон, балки барча корхона, ташкилот ва муассаса жамоалари ҳам муносиб совғалар билан

чайди. Бизда «омбор учун» махсулот ишлаб чиқариш мутлақо барҳам топган. Қолаверса, ишчи-хизматчиларимизнинг турмуш даражаси анча юксалди. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 35-40 минг сўмданга тўри келаяпти.

Эътироф этиш керакки, хозирги даврда бундай даромад билан рўзгорда тақчиллик кўрмай, бемалол яшаш мумкин. Бугунги кунга келиб корхонада 37 хил қандолат махсулотлари тайёрланиб, харидорларға етказиб берилмоқда. Май ойиға бориб эса яна 8 хил янги махсулот турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, «Конмит» қўшма корхонаси жамоаси нафақат Наврўз, балки республика-миз мустақиллигининг ўн йиллиғини ҳам ёруғ юз билан қутиб олмақда.

**Самад Йўлдош.**

**СУРАТЛАРДА:** (чапдан) қадокловчи Элмира Қўнибоева Наврўзи юксак меҳнат натижалари билан қутиб олаётганлиғидан мамнун; операторлар Ёдгора Режа-матова ва Нурия Жумабоева шоколадни печене ишлаб чиқараётган линияни бошқаришмоқда; оператор Надежда Кузнецова билан устакўчор Самбетов янги уста чиқайётган крекер печенелари сифатини кўздан кечиришмоқда.

**Даврон АХМАД олган суратлар.**



Ха, шoir айтганидек, бу йилги Наврўз байрамининг юртимизға таърифи, элулусиға хосияти ўзгача. Аслида, Наврўз Йилбоши дегани. Аммо бу йилгиси — асрбоси, мингйилликбоси ҳам. Қолаверса, бу йил мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиғини зўр тантаналар билан нишонлаймиз. Ушбу бош байрамимизға ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик кўришға йил бошиданқо кирришилган. Ана шу умумхалқ ҳаракати уйғониш, яшариш, яратиш байрами — Наврўз тантаналариға ҳам янада хуш кайфият ва баланд руҳ бахш этиши шубҳасиз.

Хозир вилоятимизнинг барча меҳнат жамоаларида қўша-қўша байрамларға тайёргарлик кўриш қизгин синдирилди. Бу гоё ачинарли холдир. Айниқса, йўл чеккалари, жамоат ташкилотлари атрофиға экиладиган кўчатлар доимий назоратда, парваришда бўлмоғи шарт. Бу муҳим вазифани токи ўша худудда фаолият кўрсатадиган ҳўжалиқлар, ташкилотлар, корхоналар ўз зиммалариға олмас эканлар, мақсада эришиш қийин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлариға мавсумий иш, деб қараш ярамайди. Бу ишлар бутун йил бўйи давом этадиган жараён.

Бу йилги Наврўз арафасида «Экосан» жамғармаси олиб бораётган ишлар ҳам ибратлидир. Жамғарманинг ташаббуси билан Махмуд Мирзаев номли мукофот ташкил этилди. Мукофот йилнинг якунида, ким, қайси ташкилот, корхона, ҳўжалиқ қанча ерга кўчат экканлиғи-ю, унинг тутиб кетишини қай даражада таъмин этганлиғи ва боғ-роғларни кенгайтирганлиғиға қараб берилди. Яна бир муҳим масала: янги боғ-роғлар ташкил этиш билан бир қаторда илгари барпо этилган боғларға қарашини ҳам унутмаслик ва ҳар жиҳатдан яшиллаш муҳимдир. «Экосан» жамғармаси томонидан амалға оширилаётган янгилик келгусида, албатта, ўзининг ижобий самарасини беради.

**Носир РИХСИЕВ.**

**Н. УСМОНОВА, Ўза муҳбири.**

## ОБОДОНЛАШТИРИШ ТАШАББУСКОРЛАРИ — ФАХРИЙЛАР

Бу йилги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари ҳар йилдагидан кўра эрта ҳамда уюшқоқлик билан бошланди. Бунинг боиси бор. Вазирлар Маҳкамасининг қарори туманимиздаги 12та фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида атрофлича ўрганилиб, махсус штаб тузилди. Ҳар бир фуқаролар йиғини ўзининг режаларини ишлаб чиқди.

Бу режаларда асосий диққат-эътибор кўчат экиш ва ободонлаштириш ишларини сифатли ўтказишға қаратилди. Кўрилган чора-тадбирлар қувончли самаралар бермоқда. Хозиргача туман бўйича 22 минг 918 тул мевали, 15 минг 679 тул манзарали дарахт кўчатлари экилди. Бундан ташқари маҳаллалар атрофлари, йўл чеккалари, турли идора ва ташкилотларнинг худудлариға кўллаб микдорда гул кўчатлари ўтказилди.

«Маданият», «Байтўргон», Туроб Нормухамедов номли ширкат ҳўжалиқларида ҳам ибратли ишлар олиб борилмоқда.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан туманимизда мактаб ва боғчаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлариға ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда маҳалла кўмиталари ташаббус кўрсатмоқдалар.

Фаолларимиз кўчат экишни уюштириш билан бирға уни тула-тўқис тутиб кетиши тўғрисида хозирдан қарор қилишди.

Туманимизда ўтган йили 19 минг тул терак экилган эди. Фаолларимиз бу йил ҳам айрим худудларига қўшимча терак кўчатлари экишди.

Кўча-кўйлар, ташкилот, идораларға қарашли биноларнинг деворларини, меваги дарахтлар, экилган кўчатларни оқлаш бўйича ҳам катта ишлар амалға оширилди. Шунингдек, 87 километр узунликдаги ариқлар сув рақонидан қилиб тозалаб чиқилди.

Туманимизда кўчат экиш ва ободонлаштириш ишлари давом этапти. Биз бу йил 29 минг 500 тул мевали дарахт кўчати экишни мўлжаллаганимиз.

**Ўткир УСМОНОВ, «Нуруний» жамғармаси Кибрай тумани кенгашининг раиси.**

## ЯРАТАЙЛИК, ЯШНАТАЙЛИК

Одатда биз баҳорни уйғониш, яшариш, яшнатиш фасли, деб таърифлаймиз. Менга қолса, бу сўзлар ёнига катта ҳарфлар билан ЯРАТАЙЛИК сўзини ҳам ёзиб қўйган бўлардим. Аслида ҳам шундай. Кўклагини интиқлик билан кутган деҳқон даласидан бери келмайди. Ерни меҳр билан экишға тайёрлайди, сара кўчатлар, сифатли уруғ экиш тарадудини кўради. Айниқса, боғбонларнинг қўли-қўлиға тегмай қолади. Ҳосили мўл ва сифатли, тўйимли бўлсин, деб дарахтларға қарайди, бутайди, шакл беради, тагини юмшатади. Зараркунданлардан асраш чорасини кўради.

Бугина эмас, тани-жони соғ, юрагида ўт чакнаган инсон борки, кўклагидан ўз худуди, атроф-муҳитининг чиройиға чирой қўйиш, обод қилиш ҳақида жон қойишди.

Бундай хайрли ишни меъёриға етказиб амалға оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Наврўз байрами муносабати билан мамлакатимизда «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш йили» ўтказиш тўғрисидаги қарори айна мўддао бўлди. Қарорда ободонлаштириш билан бирға янги боғ-роғлар барпо этишға алоҳида аҳамият берилган ва бу вазифаларнинг бажарилишини таъминлашда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари зиммасиға алоҳида масъулият юклатилган.

Шредер номли боғдорчилик-узумчилик ва виночилик илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳар йилдагидек, бу йил ҳам ўз бурчиға садокат

билан ёндошиб, жойларға экиш учун 3 миллион 900 минг тул сара мевали, 2,5 миллион тул узум, 8 миллион тул гул, кўллаб манзарали дарахт кўчатларини етказиб берди.

Жуда кўп туманлар, ҳўжалиқлар вақтдан, йимкониётдан унумли фойдаланиб, ҳукуматимиз қарорини ҳаётға тадбиқ эта бориб, кўчат экиш, ободонлаштириш ишлариға жиддий киришилди. Айниқса, Зангиота, Тошкент, Паркент туманларида олиб борилган ишлар мақтовға сазовордир. Чиноз туманида ҳам катта хайрли ва савобли ишға кўл урилди. Гап шундаки, туманға тегишли худуднинг Сирдарё бўйларида ташландиқ, чақалақ-зорға айланб қолган ерлар бекор ётарди. Ана шу ердан умумманфаат йўлида фойдаланишға қарор қилинди. Бу ерларни тозалаб, текислаб, катта боғ, оромгоҳа айланатиришға кири-

**Наврўз байрами — саҳоват, меҳр-оқибат байрами сифатида ҳар биримиз учун азиз ва муқаррамдир. Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ўтган йили амалға оширган гул ибратли тадбирлар бунга мисалдир.**

## САҲОВАТ КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Бўлим «Соғлом авлод йили»да пойтахтда истикомат қилувчи кўп болали оналар, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотганларға, шунингдек, турли офатлардан жабрланганларға каттагина миқдорда хайрия ёрдамини қўрсатди. Шунингдек, тиббий ва ижтимоий муассасалардан ҳам

саҳоватини аямади. Айниқса, 2000 йил 14 январда Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан республика ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, шаҳар ҳокимлиги раҳбарияти билан ҳамкорликда харбий қисмда ўтказилган тадбир аскарларни ниҳоятда мамнун

эти. Бу тадбирда намунали хизмат қилаётган 50 нафар аскарға 58725 сўмлик қимматбаҳо совғалар улашилди. Жамғарма 8 март халқаро хотин-қизлар кўниға бағишлаб уюштирилган кечанинги ҳам мазмунини ўтиштиришди. Кечға шаҳар ободонлаштириш бошқармасида

меҳнат қиладиган аёллар ҳам тақлиф этилган эди. Улар ҳам яхши сўзлар, табриклар билан руҳлантирилдилар, байрам совғаларидан баҳраманд бўлдилар. Шундай қилиб, жамғарманинги шаҳар бўлими жами 3.742.854 сўмлик хайрия ёрдамини қўрсатди.

**Жамғарма Наврўз байрами муносабати билан янги тадбирларни амалға оширмоқда. Унинг муруввати, саҳовати, мадади кўлими ўтган йилдагидан ҳам кенг, мазмуни ва ҳар жиҳатдан ибратли бўлиши шубҳасиз.**

**Нигора МУХАММАД АМИН.**





Хамалнинг бошланиши амалдаги тақвимнинг 21 мартга тўғри келади. Унинг етти хосияти, қаромати, шарофати бор.

ХАМАЛ БУРЖИ

хорни кўрган» деб ҳурмат билан айтади. Яна «кимлар етди, кимлар етмади» ибораси ҳам айтилган.

Ҳосият

ли патириллар эса дил малҳамидир. Буларнинг ҳаммаси Аҳли шароғи Навоийнинг куйидаги байтида жодир:

Матлуба МАХМУДХУЖАЕВА.

Расомларнинг устахонаси сеҳрли, дейишади. Мусаввир Беҳзод Маҳмудовнинг Урдадаги ижодонасига кирганимизда, бу гапда жон бордек туюлди.

Бир пиёла чой устида

Умарбеков, Владимир Бурмакинлар билан жуда кўп суҳбатда бўлган. Улар ҳам Хумсоннинг шайдолари.

— Хумсонга бунчалар муҳаббат, ардоқ юрагингизда қачон пайдо бўлган?

ЮРТИМ ГЎЗАДЛИГИН ЧИЗАВЕРСАМ...

Буни қарангки, Хумсонда Хайдар Санаев билан танишиб қолдим. У менинг йўлимни пейзаж — табиат манзараларини ишлашга буюрди.

оғушга сингаётгандек бўлган. Менимча, ихлом паллашари айнан шу лаҳзалар бўлса керак.

— Хумсонда боболаримдан қолган каттақон ҳовли-жойимиз бор. Отам хумсонлик бўладилар.

— Табиати кўриб, илҳомланиб, кўлингизга мўйлакам олсангиз керак?

— Амир Темури ҳазратлари шундай деган эканлар: «Одам охирадда хотиржам ётиш учун яхши омушлар қилмоғи керак.


Баҳор бошладан дегунча Хумсонга отланардик. Бир сафар машури расом Абдулҳак Абдуллаев ҳам бизниқча таширф буюрдилар.

— Демак, яхши рангтавир яратишнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор экан-да...

— Мусаввирларнинг буниси яхши, буниси ёмон, адегем келмайди. Лекин, адегем расомлар Акмал Икромжонов, Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов, Жавлон

Кўклам элчисини биласизми?

МУАММОНОМА
Азиз газетхон Аваало куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, оқичкини аниқланг.



ГАЗЕТАМИЗНИНГ 28 ФЕВРАЛЬ СЕНИДАГИ СУПЕРПРОСВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энгма: 1. Оксаро. 4. Атмосфера. 7. Пулемёт. 10. Чилтор. 11. Сатурн. 12. Азим. 15. Этил. 21. Уроқ. 24. Лайча. 25. Лақа. 31. Енот. 32. Бурч. 33. Илло. 34. Ялта. 36. «Чертмак». 38. Седана. 40. Окхоз. 41. Тамаки. 42. Самарқандий. 43. Махраж. 46. Рисола. 49. Азимов. 51. Улуғбек. 53. Неон. 54. Пари. 55. Улоқ. 57. Бахр. 60. Спорт. 61. Асра. 62. Сикус. 63. Бурги. 69. Леон. 70. Толк. 71. Мола. 72. Коса. 75. «Тонг». 76. Меэроб. 77. Бурган. 78. Нуробод. 79. Жаррохлик. 80. Хусайни.

Бўйига: 1. Оттава. 2. Саримсоков. 3. Йўлдош. 4. Атом. 5. Сармова. 6. Абай. 7. Плутон. 8. Махтумқули. 9. Тарлон. 13. Теккерей. 14. Қораўзақ. 16. Утов. 19. Ипақ. 20. Мурч. 21. Эчки. 26. Департамент. 27. Туман. 28. Каттакўрғон. 29. Олтин. 30. Махжаққори. 35. Реакция. 37. Қораовий. 39. Арава. 40. Оқила. 44. Чопар. 45. Симоёв. 47.

ҚИЗИҚ

ТЎҚҚИЗТАДАН ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Янги Зеландияни яшил минтақа деб баҳис айтадилар. Унинг тўғри шароитлари чорвачиликни ривожлантириш учун ниҳоятда қулай ҳисобланади.

РУМОЛ

Зонд бува раҳматликнинг антиқа ҳикоялари бор эди. — Ха, мулла бола, — дерди у офтобруйда ўтирган қўйи кўчадан ўтиб қолсам.

Билсам Умар боқиманданинг қизи экан, рўмолини кўлиманда юлқиб олдиғи шипиллаволиб жўнади, бераҳм. Хар йили Наврӯзга ўйлаيمان ўша кўш ошини, болам. Энди сенларга анча яхши, рўмол тортиб юрмайсанлар...

Хозир ҳам хар йили Зонд бува ўтирадиган ўрик тагига назар ташлайман. Набиралари ўйнаб ўтирган бўлади.

МАКТУБ

Бир кун Махсум амаки қандай қилиб севгилсига хат берганини ҳикоя қилганди. Наврӯз сумалаги экан, Махсум амакининг онаси Сапура хола дастурхонга кўк сомса қиладиган бўлибди.

қелиб қолибди. Юзларини катта рўмол билан ёпганидан юзини кўролмаган Махсумжон:

— Моҳирахон, сизми? — деб сўрабди. — Ҳимм, — дебди нозик овоз билан ҳалиги қиз.

Махсумжон ютини, овозлари қалтираб дил ёрибди. Сал яқин қелиб қолган, бояги қиз шартта қўлини ушлабди.

— Ха, яшашмабди, — дебди Отинпошша, — қани, энди менга бир дардингизни айтчи...

Хуллас, ўша йили қовун пишиғида Махсумжон орасига етибди. Кўп йиллар унинг қайночаси тергаб, текшириб юрган экан. Бу бола яна бир шумлик қилмасин деган бўлса керак-да.

ТОШКЕНТ НАҚШАТИ
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХОКИМЛИГИ
Бош муҳаррир Фатҳиддин МУХИДДИНОВ

Шелефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълолар: 133-40-48, 136-57-27

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ.